

Аги «ТАСДИКЛАЙМАН»  
«VODIY KARGO TRANS»

МЧЖ раиси

Д.Хайитов

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 й

# БИЗНЕС РЕЖА

Лойихани иқтисодий самарадорлиги, ҳалкаро транспорт логистика марказини ташкил этиш, кишлок хужалиги махсулотларини куритиш, саклаш ва экспорт қилиш орқали янги иш ўринларини яратиш



Уйчи – 2019 йил

## МУНДАРИЖА

➤ Тижорат сирини ошкор этмаслик келишуви.....	3
➤ Лойиханинг кискача шархи .....	4
➤ Узбекистон иктисодиёти.....	5
➤ Бизнес лойиханинг тавсифи .....	5
➤ Кириш.....	7
➤ Лойиханинг умумий шархи.....	8
➤ Лоиханинг стратегик мазмуни ва максади .....	10
➤ Лойиха асосига куйилган асосий параметрлар .....	11
➤ Лойиха ташаббускори хакида кискача маълумот .....	12
➤ Лойиханинг амалга ошириш графиги .....	12
➤ Ишлаб чикариш жараёнинг тавсифи .....	13
➤ Ишлаб чикариш жараёни шархи .....	14
➤ Ишлаб чикариш кувватлари .....	15
➤ Хом – ашё ресурслари ва уларга булган талаб.....	16
➤ Ишчи кучи ресурлари ва уларга булган талаб.....	17
➤ Ишчиларга куйиладиган талаб ва кадрлар дастури .....	17
➤ Энергия ресурлари сарфи .....	19
➤ Фаолиятнинг маркетинг тахлили.....	20
➤ Бозор шароитининг тахлили.....	21
➤ Талаб ва таклиф, нарх шаклланиш омиллари тахлили.....	22
➤ SWOT (АЗИТ) тахлили .....	23
➤ Маркетинг стратегияси ва дастури .....	24
➤ Лойиханинг молиявий асослари.....	25
➤ Лойиха тугрисида кискача маълумот.....	256
➤ Умуминвестицион харажатлар ва молиялаш манбаалари .....	27
➤ Ишлаб чикариш ва сотиш режаси.....	28
➤ Хом – ашё ресурслари сарф – харажатлари .....	29
➤ Ишчи кучи сарф харажатлари .....	30
➤ Энергия ресурслари сарф харажатлари .....	31
➤ Амортизация ажратмалари .....	332
➤ Ялпи харажатлар хисоби .....	333
➤ Кредитни кайтариш режаси .....	34
➤ Даромадлар, харажатлар ва фойда хисоби .....	345
➤ Ишчи капитал .....	36
➤ Пул окими ва дисконтланган пул окими .....	37
➤ Баланс режаси .....	38
➤ Лойиха самарадорлик курсаткичлари .....	39
➤ Экологик талаб .....	40
➤ Хм .....	42
➤ Фойдаланилган адабиётлар .....	43-55

## ТИЖОРАТ СИРИНИ ОШКОР ЭТМАСЛИК КЕЛИШУВИ

Ушбу бизнес режа «VODIY KARGO TRANS» масъуляти чекланган жамияти буюртмаси асосида тайёрланган бўлиб, йулга куйилиши режалаштирилаётган лойиханинг молиявий–иктисодий, ташкилий ва маркетинг тахлилларини уз ичига олади.

Ушбу хужжатда келтирилган маълумотлар корхона раҳбарияти ва корхонанинг келгусидаги иш фаолиятини акс эттириб махфий характерга эга. Ушбу хужжат «VODIY KARGO TRANS» масъуляти чекланган жамиятининг мулки хисобланади ва уни тасарруф этиш ундаги маълумотларни бошка шахсларга ошкор этиш корхона раҳбари ихтиёридадир.

Ушбу хужжатда келтирилган маълумотларни корхона раҳбарининг ёзма розилигисиз тасарруф этиш, бошка шахсларга сотиш ёки тақдим этиш, нусха кучириш ёки ошкор этиш катъяян маън этилади.

Қуйида имзо чекувчилар юкоридаги талабларга розилик билдириб, ушбу хужжат ва унинг таркибини сир саклаш, таркатмаслик ва маълумот эгаси – «VODIY KARGO TRANS» масъуляти чекланган жамияти раҳбарининг илк талаби билан уни эгасига кайтаришни ўз зиммасига олади.

Ф.И.Ш \_\_\_\_\_ ИМЗО \_\_\_\_\_

М. у.

Ф.И.Ш \_\_\_\_\_ ИМЗО \_\_\_\_\_

М. у.

## ЛОЙИХАНИНГ КИСКАЧА ШАРХИ

---

**ЛОЙИХА ТАШАББУСКОРИ:** “VODIY KARGO TRANS ” МЧЖ

**ЛОЙИХАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААСИ:** Корхона ўз маблағлари ва кредит маблаглари ҳисобидан

**ЛОЙИХА ИЖРОЧИСИНИНГ ЮРИДИК МАКОМИ:**  
Масъуляти чекланган жамияти

**КОРХОННИНГ РЎЙХАТДАН ЎТГАН САНАСИ ВА ГУВОХНОМА РАКАМИ:** 06 апрель 2017 йил, Реестрдаги тартиб раками № 503111, Гувохнома №503111

Асос: Наманган вилояти, Уйчи тумани, “Давлат хизматлари маркази”

### **КОРХОННИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ**

Узбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Уйчи тумани, Уйнхаят, Истиклол МФЙ, Амир Темур кўчаси, 67-уй

**БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:** ТИФ “Миллий банк” Уйчи тумани филиали  
х.р

МФО 00887, СТИР (ИНН): 304804499, Тармок коди (ОКОНХ):

### **ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МОЛИЯВИЙ КУРСАТКИЧЛАРИ**

- ✓ Лойиха суммаси: 500 000 минг сум
- ✓ Лойихада катнашадиган ўз маблаг: 200 000 минг сум
- ✓ Уртacha йиллик ялпи тушум: 116 666 минг сум
- ✓ Уртacha йиллик даромад: 548 000 минг сум
- ✓ Йиллик уртacha соф фойда микдори- 416,6 млн.сўм
- ✓ Лойиханинг соф фойда хисобидан реал окланиш муддати=3 йил
- ✓ Лойиханинг уртacha рентабеллик даражаси = 60,2 %
- ✓ Яратиладиган ишчи уринлари сони: 30 та

## РЕСПУБЛИКАМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ

---

Маълумки, жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибасида, глобал рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиши, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш ва таркибий жиҳатдан ўзгартиришларнинг барчаси транспорт логистика хизматлари бозорини ривожланиши билан боғлиқ. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳар бир соҳаси, шу жумладан, транспорт тизимини янада жадал ривожлантиришда логистика хизматларининг аҳамияти бекиёс. Шу боисдан, нуфузли халқаро ташкилотларнинг иқтисодиётимиз ривожланишига бўлган эътибори ва шу билан биргалиқда хорижий инвесторларни жалб этиш, кўплаб қўшма корхоналар ва уларнинг филиаллари фаолиятини ташкил этилиши янги ҳудудларни ўзлаштириш ва халқаро бозорларга чиқишни тақозо этмоқда. Бунинг учун авваломбор, транспорт йўлаклари ва замонавий транспорт-логистика марказларига эга бўлиш лозим. Бугунги кунда замон талабидан келиб чиқиб республикамиз транспорт тизимидан самарали фойдаланиш, мультимодал ва интермодал ташувларининг ривожланиши, янги инфратузилма обьектларини барпо этишни, яъни ташиш терминалларини шакллантиришни талаб этади. Халқаро миқёсда ушбу мультимодал ташиш терминалларининг кенгайиши натижасида логистик марказларга айланиши, шу билан биргалиқда халқаро ташув ва логистик жараёнларини ўзига қамраб олишига асос бўлди.

Жумладан, Навоий вилоятида 2008 йил 31 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий шаҳар аэропорти базасида халқаро интермодал логистика марказини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-1027-сонли қарорига биноан “Навоий халқаро интермодал логистика маркази”ва шу билан биргалиқда 2009 йил 12 августдаги таъсис шаротномасига кўра 17 август куни “Ангрен логистика маркази” ташкил этилди. Ҳозирги кунга келиб республикамида иккита логистик марказ - Навоий ва Ангрен шаҳарларида жойлашган бўлиб, уларда юқ ва йўловчиларни ташиш ҳажмлари тобора ошиб бормоқда. Навоий вилоятида очилган эркин иқтисодий зонада фаолият кўрсатаётган логистик марказ орқали ташув жараёни ривожланишига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Навоий шахридаги Халқаро интермодал логистика марказининг ташкил этилиши ундан нафақат Жанубий - Шарқий Осиё ва Европадан ўтадиган қитъалараро транспорт-экспедиция тармоғи сифатида фойдаланиш имконини, айни пайтда у Навоий вилояти ва қўшни ҳудудларга янги, замонавий юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун зарурий шароитлар яратилмоқда. Ангрен логистика маркази эса, Ўзбекистон экспорт салоҳияти мустаҳкамлаши бир қаторда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни дунёning кўплаб давлатларига ўз вақтида ва хавфсиз етказиб беришга ихтисослашган.

Умуман олганда мамлакатимизнинг географик жойлашуви замонавий логистик марказлари тармоғининг ривожланишида стратегик аҳамият касб этиб, юкларни ташиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқариш ҳамда савдо компаниялари логистикасини самарали ташкил этиш имкониятини беради.

Ангрен логистик маркази буғунги кунда республикамизга 47 та мамлакатдан импорт юкларини темир йўл ва автомобиль йўллари орқали вагонлар, контейнерларда транспорт-логистик хизматларини кўрсатиб келмоқда.

## **БИЗНЕС ЛОЙИХАНИНГ ТАВСИФИ**

---

Сўнгги йилларда траспорт – логистика хизмати билан фаолият юритувчи кичик корхоналар кўпроқ кичик сервис хизматлари билан чекланиб қолиб, улар нафақат хорижий корхоналар билан транспортда ташиш хизматини аутсорсинг қилиб, кам даромадли хизмат кўрсатиш билан шуғулланмоқда. Аммо, транспорт – логистиканинг асосий даромадли фаолияти ҳалқаро бозорларга экспорт-импорт маҳсулотларини транспортда етказиб бериш бўлсада, замонавий ташиш технологияларига эга бўлмаганлиги сабаб, валюта оқимини олиб келиши муваффақиятсиз якунланяпти. Бозор иқтисодиётини ривожланиши ва кенг логистика инфратузилмаси тармоғини шаклланиши албатта, умумиқтисодий тармоқлар ичida албатта транспорт хизматини улушини ошишига олиб келади. Шундай қилиб, муаллифлар томонидан республикамизда ташкил этилган ва режалаштирилган логистика марказларининг истеъмолчиларга транспорт хизматини кўрсатиш қуйидагиларни бажарилишини таклиф этади:

- товар (юқ)лар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни тегишли тарзда ўрам (упаковка) воситаларини танлаш;
- упаковкадаги юқ пакетларига тегишли ёзувлар ва белгилар киритиш, яъни тамғалаш;
- махсус тараалардан фойдаланишни кўзда тутиш, уларга тегишли белгилаш ва кодларни киритиш, юқ бирликларини шакллантириш, юкларни пакетлаштириш ва контейнерлаштириш;
- самарали ташиш тури ва воситаларини танлаш;
- транспорт воситаларига юқ ортиш ва тушириш ишларини бажаришда рационал технологияларга амал қилиш;
- юқ омбори ва терминалларда товарларни рационал жойлаштириш, уларни ҳисобга олиш ва захираларни шакллантириш;
- замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш;

- илмий-тадқиқот ишлардан фойдаланган ҳолда инновациялар яратиш ва амалиётга қўллаш. Замонавий логистик марказлар товар ва йўловчиларни манзилга етказиб беришда иштирок этувчи транспорт турларини сони бўйича юк ташиш тизими юнимодаль(бир турли), мультимодал ва интермодал(кўп турли) транспортда ташиш қўринишга эга бўлиш керак. Транспорт-логистик хизматларини кўрсатиш тузилмаси авваламбор, тузилманинг энг юқорисида интермодаль, кейин мультимодаль, ундан кейин юнимодаль регионаларарабо ташишлар, кейин вилоятлар ва шаҳарлар миқёсидаги ташишлар, энг охирида эса алоҳида транспорт ташкилоти ҳисобланмайдиган корхоналар тасарруфидаги транспорт воситаларида бажариладиган юк ташишлар кўзда тутилади[6]. Интермодал ташишлар – бу халқаро алоқалар масштабида бир қанча транспорт турлари воситасида ва юкларни транспортни бир туридан бошқа турига юк эгасини иштирокисиз узатиш йўли билан етказиб бериш тизимиdir. Милий иқтисодиётимиздаги туб таркибий ўзгаришлар, янги савдо-сотик тизимининг шаклланиши ва тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши натижасида яқин қўшни ва узоқ хориж мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларининг интеграллашувида шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда юкларни ташишда истеъмолчилар талаби йилдан-йилга ортиб бормоқда.

## **ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ ШАРХИ**

Лойихани амалга ошириш уч боскичдан иборат.

1 БОСКИЧ – Тайергарлик ишларининг ташкил этилиши.

Вакт оралиги: 1-2- ойлар.

**Қилинадиган ишлар:** Лойихани амалга ошириш учун зарурий маблаг ва капитал ресурс манбаларини аниклаш, лойиханинг иқтисодий хисоб китоблари, техник иқтисодий асоси ва бизнес режасини ишлаб чикиш. Лойиха сметасини аниклаш. Ишлаб чиқариш хом ашё ва ресурслари сотиб олиш учун материаллар етказиб берувчи ташкилотлар (Республика худуди ва чет - эл) билан сотиб олиш бўйича шартномалар ва келишув баёнлари тузиш, ундан ташкари махаллий корхоналар ва бошқа ташкилотлар билан фаолият йулга куйилгандан кейин учинчи чорак учун зарур булган хом ашё етказиб бериш бўйича келишувлар олиб бориш. Банк молия муассасаларига ушбу лойихани амалга ошириш учун зарурий маблаг суммаси ва лойиха самарадорлигини асословчи хужжатлар билан белгиланган тартибда мурожаат этиш ва зарурий холатда кредитни узлаштириш.

2 боскич: Курилиш-монтаж ишлари ва инвестицияни узлаштириш.

Вакт оралиги: 3-4- ойлар **Қилинадиган ишлар:** Инвестицияни узлаштириб лойихада кузда тутилган барча ишларни якунлаш, логистика хизмати кўрсатиш ишларини ташкил этиш, шартнома асосида ишлайдиган ишчиларни излаб топиш, хом-ашё ресурсларини харид килиш. Хужаликда иш фаолиятини ташкил этувчи малакали кадрларни топиш ва ишга олиш ва ишлаб чикариш жараёнини бошлаш.

3 БОСКИЧ: Нормал иш фаолиятининг йулга қуилиши.

**Қилинадиган ишлар:** ахолига логистика хизматини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш каналларини топиш, риск ва хатарларни камайтириш учун шартнома асосида ташкил этиш. Хизматлар ва уларни сотишдан тушган тушум, даромад ва харажатларни хисобини юритиш ва самарали иш фаолиятини ташкил этиб олдиндан кузда тутилган техник иктисадий асослов буйича хужалик фаолиятини самарали юритиш ва ривожлантириш.

Ушбу лойихани ишлаб чиқиш 2018 йилнинг иккинчи ярим йиллигига бошланганлигини хисобга олиб йилнинг ноябрдекабр ойларида хужалик ўз фаолиятини бошлиши кўзда тутилган.

Хизмат кўрсатишда энг катта эътибор хизмат кўрсатиш сифатини оширишга каратиш керак.

## **ЛОИХАНИНГ СТРАТЕГИК МАЗМУНИ ВА МАҚСАДИ**

Ушбу транспорт-логистик хизматлар мамлакатимиз эҳтиёжидан келиб чиқадиган бўлсак етарли даражада деб, баҳолай олмаймиз. Республикаизда транспорт – логистик хизматларини ташкил этиш стратегиясида авваламбор, транспорт салоҳиятидан фойдаланиш даражаси ва янги логистик марказларга муҳтожлигимиз кўрсатиб ўтилган. Транспорт-логистик хизматлар бозорини янада ривожлантириш ва бозорни тўйинтириш, инфратузилмани яхшилаш ва самарали ташишни ташкил этиш билан боғлиқ масалалар стратегияда таклиф этилган. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, халқаро иқтисадий ва савдо-сотиқ алоқаларини янада ривожлантиришда транспорт-логистик марказларининг ташкил этилиши, айни пайтда барча муаммоларни ечимини топувчи катта тизимдир. Айнан шу тизимни ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги “2016- 2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2460-сонли қарорига асосан ҳудудларида мевасабзавот маҳсулотларини харид қилиш, сақлаш, бирламчи ишлов бериш, Транспорт-логистика хизматлари:

1. Комплекс логистик хизматлар
2. Мультимодаль ташиш
3. Юкларни божхонадан расмийлаштириш
4. Юкларни транспортда ташиш хизматлари
5. Терминал-омборхона хизматлари
6. Етказиб бериш харакат таркиби
7. Тўпланган юкларни ташиш Навоий халқаро

интермодал логистика маркази(1, 2) Ангрен логистика маркази (1,2,4, 5, 6, 7) Халқаро ташувдаги автотранспорт корхоналари(4,6, 7) «Ўзбекистон темир йўллари” АҚ(2, 4, 7) “Ўзбекистон ҳаво йўллари”Авиа компанияси(1,2,3) Янги ташкил қилиниши керак бўлган ЛОГИСТИК марказлар (1,2,4, 5, 6, 7) Ягона дарча тизими барча худулар бўйича(3) халқаро ташувдаги янги автомобиль транспорти корхоналар фаолиятини ташкил қилиш(4,6,7) “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2016 йил 7 [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz) транспортировка қилиш ва экспортга чиқариш ишларини амалга оширишга ихтисослаштирилган 17 та логистик марказларни ташкил этиш белгиланди[5]. Ушбу қарорга асосан 2016 йилнинг ўзида 4 та логистик марказ, жумладан Андижон, Наманган, Сурхандарё ва Қашқадарё вилоятларида ташкил этилиши юзасидан сай-ҳаракатлар бошланган.

Хуноса қилиб шуни айтиш мумкинки, Республикаизда замонавий транспорт-логистик хизматларининг ташкил этилиши ва шу билан биргалиқда ушбу хизматларнинг миллий иқтисодиётимизни янада ривожлантириши, айнан транспорт-логистик инфратузилма масалалари билан боғлиқdir. Замонавий транспорт-логистик марказларда барпо этилаётган экспорт-импорт юкларини ташувчи транспорт мажмуалар, омборлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини совуткичларда сақловчи терминалларни ташкил этилиши, биричи навбатда, экспортга йўналтирилган корхоналар фаолиятини янада ривожлантиришга, иккинчидан, кичик бизнес субъектлари сонини ортиши ва шу билан биргалиқда иқтисодиётимизни барча тармоқларини жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

Лойиханинг асосий мазмуни хизмат кўрсатиш хажми ва иш унумдорлигини уртacha даражасидан келиб чикиб, ахолига намунали логистика хизмат курсатишни ташкил этиш максадида 1 кунда уртacha 600 тоннагача юк ташиш хизмати кўрсатилади. Ушбу хизмат курсатиш натижасида тадбиркорлик фаолиятидан фойда олиш, шунингдек ахолини ижтимоий жихатдан куллаб – кувватлаб, янги иш уринлари яратишдан иборат.

Стратегик жихатдан корхона уз олдига юкорида айтиб утилган барча максадларга эришишни, ва лойиха даврида тулаконли тухтовсиз ахолига логистика хизмати кўрсатиш қулай ва ижтимоий жихатдан энг маъкул муҳитни яратишни ва худуд ахолиси учун юкори сифатли, логистика хизмати курсатиш тизимини яратишни максад килиб кўяди. Корхона бу максадларга эришиш оркали юкори даражадаги логистика хизмати курсатишга уз хиссасини қўшиш ва шу муддат ичida Республикада етакчи уринлардан бирини эгаллашни, истикболда ахолига логистика хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш ва мижозлар сонини купайтириб соҳанинг етакчиларидан бирига айланишни ва соҳага қўшимча инвестициялар олиб киришни режа килган.

Келгусида жамият олдига куйган барча максадларга эришиб, келгуси беш йилликда йирик корхона сифатида хизматлар бозорида

кузга кулинганд ташкилотлардан бирига айланиб, хизмат курсатиш бозорнинг 20-25 % ортикрок улушини эгаллашни, 10 йилдан сунг эса бу курсаткични кушимча инвестициялар жалб килиш; етук ва малакали кадрлар тайёрлаб, улар тажрибасига ва инновацион технологияларни куллаш, истеъмолчилар ва бозор талабларини мунтазам урганиб бориб 30 % гача етказишни ўз олдидағи истикболли режалардан бири килиб белгилайди.



## ЛОЙИХА АСОСИГА КУЙИЛГАН АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАР

Кредитга хариди режалаштирилган технология умумий қиймати – 300 000 минг сум

Фаолиятнинг мазмуни – ахолига юкори даражада логистика хизмати курсатиш, курсатиладиган хизматларни асосан махаллий ва шунингдек чет – эл фукароларига етказишдир.

Лойиха суммаси – 500 000 минг сум

Ахолига логистика хизмати курсатиш ва кишлек хужалиги махсулотларини кайта ишлашдан йиллик тушум (урта хисобда) – 1167,6 млн.сўм

Солик туловлари амалга оширулгунга кадар булган соф фойда (урта хисобда) – 514,0 млн.сўм

Урта хисобдаги йиллик соф фойда – 416,6 млн. сум

Лойиханинг тула копланиш муддати – 36 ой.

**Лойиха самарадорлигинг интеграл  
курсаткичлари**

Курсаткич	Мазмуни
Лойиханинг ялпи даромаддан узини оқлаш муддати	12 ой
Лойиханинг соликлар тулангунга кадар булган фойдадан оқланиш муддати	48 ой
Уртacha рентабеллик даражаси (соф фойданинг харажатларга нисбати)	8,1 %
Лойиха даври (бир циклик давр назарда тутилмоқда)	1 йил=12 ой
Тула оқланиш даври	5 йил

Лойиханинг умумлашган «Монте–Карло» усулидаги тахлили шуни курсатадики, хатто фаолият ривожининг пессимилик сценарийси баркарор кўрсаткичларга эга ва ижобий прогнозларга эга. Яъни лойиханинг ўз ўзини оқлаш муддатининг лойиха давомийлиги билан тенглиги, соф фойда даражасининг пессимилик прогнозларда (паст нархлардаги савдони назарда тутиб) юкорилиги, яъни ялпи харажатга нисбатан 50 % ортикрок эканлиги, нормал рентабеллик лойихани баркарор ва даромадли эканлиги асослайди. Бундан ташкари лойиханинг мавсумийлик характерга эга эканлиги хисобга олсак, бу иш хаки харажатларининг янада кискариш имкониятлари мавжудлиги, ва лойихадаги инветиция маблагидан бир эмас бир неча маротаба самарали фойдаланиш имконияти мавжудлиги, инвестициянинг тула кайтарилишининг рисклардан холи равишда кафолатланганлиги ва фаолиятни бир марталик хизмат курсатиш давридаёк оклаб, фойда келтирилишини лойиханинг муваффакиятли бизнес фаолият эканлигини асослайди. Бу эса уз навбатида унинг самарали ва фойдали бизнес фаолият сифатида жозибадорлигини оширади.

**ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ ТАЪСИСЧИЛАРИ**

- Хайитов Дилшлд Хошимжанович, Паспорт серияси АВ 4212617, Наманган вилояти, Уичи туман ИИБ томонидан 2016 йил 17 июня берилган. Яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Уичи тумани, Унхаят ҚФЙ, Истиклол МФЙ, Амир Темур кўчаси 67-уй

Жамиятнинг устав фонди минг сумдан иборат булиб, таъсисчилар ўртасида тенг микдорда таксимланган.

Корхона муассиси ва раиси: Хайитов Дилшод Хошимжанович  
Асосий инвесторлар:

**1. Корхона уз маблағлари**

Ахолига логистика хизмати ва кишлок хужалиги маҳсулотларига булган талабини хисобга олиб корхона томонидан 500 000 минг сум микдорида инвестицияни узлаштиришни уз олдига мақсад килиб куяди.

Жамият раҳбарияти томонидан Наманганд вилояти шахар ва туманлар ахолисига юкори сифатли халкаро логистика ва майший хизмат кўрсатиш (кишлок хужалиги маҳсулотларини куритиш, саклаш музлатгичи) ташкил этишни режалаштироқда. Бу билан жамият раҳбарияти фойда олишга каратилган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, янги иш уринларини яратиш, худудда ижтимоий – иктисадий вазиятни яхшилашга ўз хиссасини кўшиш, бошқа рақобатчилар томонидан кўрсатиладиган хизматлар нархининг тушишига ва бошка корхоналар хизматлари билан ракобатдош хизмат кўрсатишни ўз олдига мақсад килиб инвестиция маблағларини узлаштиришга карор килди.


---

## **ХАЛКАРО ЛОГИСТИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ВА КИШЛОК ХУЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ КУРИТИШ, САКЛАШ ЖАРАЁНИНИНГ ТАВСИФИ**

---

Ахолига логистикаси хизмати кўрсатиш ва кишлок хужалиги маҳсулотларини куритиш, саклаш жараёни узлуксиз давом этувчи булиб, маҳсулотларни кушни Давлатларга экспорт килиш фаолияти алоҳида тарзда олиб борилади. Жамият томонидан ахолига логистика юк ташиш хизматини кўрсатиш ва кишлок хужалиги маҳсулотларини куритиш, саклаш жараёни қуидаги жараёнларда амалга оширилади.

Халкаро логистика хизмати курсатиш бино ва иншоатларини куриш ва кишлок хужалиги маҳсулотларини куритиш ва саклаш ускуналари ташкил этиш ва малакали мутахассис томондан ушбу ускуналар ёрдамида хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш. Ахолига логистикаси хизмати кўрсатиш ва кишлок хужалиги маҳсулотларини куритиш, саклаш жараёнида асосан электр энергияси қувватидан фойдаланилади. Ушбу электр энергия манбаи юкори кучланишли электр манбаига уланади.



## Организация провайдинга логистических услуг



По классификационной схеме американской исследовательской компании Armstrong & Associates, Inc. выделяют несколько типов логистических провайдеров:

- Non-asset domestic transportation management (DTM-NA);
- Non-asset international transportation management (ITM-NA);
- Asset-based (U.S.) dedicated contract carriage (DCC-AB);
- Asset-based value-added warehousing/distribution (VAWD-AB);
- Software.



## Жадвал № 1. Бажариладиган ишлар графиги

№	Амалга ошириладиган тадбирлар	2019 йил			
		Январь	Февраль	Март	апрел
1	Бизнес режа ишлаб чиқиши				
2	Ишлаб чиқариш технологияларини сотиб олиш учун шартнома имзолаш				
3	Амалга ошириладиган қурилиш монтаж ишлари учун смета ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш				
4	Кредит олиш учун хужжатарни банка тақдим этиш				
5	Банк томонидан молиялаштиришни очилиши				
6	Таъмирлаш, монтаж ишларини амалга ошириш				
7	Лойиҳани синовдан ўтказиш				

### **ИШЛАБ ЧИКАРИШ КУВВАТЛАРИ**

**5- Жадвал. Йиллик хизмат курсатиш куввати (инвестиция киритилгандан сўнг)**

№	Ишлаб чиқариладиган маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Хизмат курсатиш хажми		
			1 кунда	1 ойда	12 ойда
1	Ахолига логистика хизмати кўрсатиш	тонна	600	15 600	187 200
2	Кишлек хужалиги маҳсулотларини куритиш ва саклаш		1,2	31,2	375,0

Масъуляти чекланан жамияти томонидан 1 ойда 26 кун иш куни булди. Дам олиш якшанба куни.

## **ХОМ – АШЁ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРГА БУЛГАН ТАЛАБ**

Мазкур фаолият тури учун табиий ресурслар ва бевосита хизмат курсатиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришда иштирок этувчи ишчи ходимлар кучини айтиш мумкин.

Үйчи тумани худуди Республика микёсида хизмат курсатиш, айникса логистика яхши ривожланган худудлардан биридир. Ахолига логистика хизмати курсатишни катта кисми Наманган вилояти шахар ва туман худудларга, шунингдек бошка вилоятлар, айникса қўшни вилоятларда эҳтиёжи юкори эканлиги хисобига кўрсатилади.

Бунинг яна бир долзарб сабаби ушбу хизматни курсатишда маҳсус сертификатга эга булган кувватларининг камлигидадир. Юкори технологияга эга булган юк кўтариш кранлари электр энергия сарфини кам сарфлаши хисобига хизмат курсатиш таннархнинг тушиши имконини яратади.

Мазкур технологик асосида хом – ашё ресурслари куйидаги нархларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олиниши режалаштирилган:

1 кВт электр энергияси – 295 сум

Жами хисобда биринчи йилда хом – материал харажатлар учун 101 600,0 минг сўм маблағ сарфланиши назарда тутилади.

## **ИШЧИ КУЧИ РЕСУРЛАРИ ВА УЛАРГА БУЛГАН ТАЛАБ**

Ушбу лойиханинг ишчи кучига ва ходимларга булган талаби 30 кишини ташкил килади. Шундан маъмурият ходимларининг сони 3 тани ташкил килиб, колган 18 киши асосий хизмат курсатиш ва 9 нафар ёрдамчи хизмат курсатишда иштирок этади.

Маъмурий ходимлар таркиби корхона раҳбари, мухандис, бош хисобчидан иборат булади.

Ишчиларнинг иш вакти 8 соатлик иш куни тартибида ташкил этилиб, эрталаб соат 8:00 дан кеч соат 17:00 гача (тушлик 12:00 дан 13:00 гача) иш вакти хисобида булади.

Иш самарадорлиги ва фойдали иш коефициентини ошириш максадида иш оралигига туртта 30 дакикалик танаффуслар кузда тутилган булиб, улар ва тушлик вактини чиқариб ташлаганда тулик иш вакти 8 соатни ташкил этади. Ундан ташкари бу икки соатлик танаффус иш купайган кунларда күшимча иш соатлари сифатида ишлатишга кул келади.

## **ИШЧИЛАРГА КУЙИЛАДИГАН ТАЛАБ ВА КАДРЛАР ДАСТУРИ**

Ушбу фаолиятда малакали ишчи кучи ва билим талаб килади. Шу сабабли, ишга олинадиган ходимларга бъзи бир талаблар куйилган. Жумладан:

Маъмурият ходимларига куйиладиган талаблар: олий маълумот, мутахассисликнинг иш лавозими ва мажбуриятларига мослиги, айнан шу ёки шунга ухшаш соҳада камида 3 йил давомида ишлаган булиши, виждонийлик ва одамийлик сифатлари талабга жавоб бериши керак.

Хизматда курсатишдаги ходимларга куйиладиган талаблар: олий маълумотга ёки мутахассислиги буйича коллеж битирувчиси маълумотнинг мавжудлиги, соҳа ишини тушунган булиши ва шунга ухшаш соҳада камида бир 2 йил фаолият курсатган булиши керак.

Булардан ташкири тартиб-интизом, ростгуйлик, инсоф ва хакконийлик, махаллий халк анъаналари ва удумлари билан танишлик, 2 тадан ортиқ тилни билишлиги каби сифатларга хам алоҳида эътибор каратилади.

Корхона томонидан кадрларни уқитиш ва малакасини ошириш, уларнинг ижтимоий сиёсий фаровонлигини оширишга хам катта эътибор бериш режалаштирилган. Бунинг учун укув-малака амалиётлари, айни ёки ухшаш фаолият турида амалиёт уташ (Узбекистон худудида ва чет-элда), малакали мутахассислар кумагида тушунтириш ва уқитиш ишларини ташкил килиш, тиббиёт амалиёти буйича малака ошириш ишларини ташкиллаштириш, ходимларни муносиб рагбатлантириб туриш каби ишлар режалаштирилган.

### **ЭНЕРГИЯ РЕСУРЛАРИ САРФИ**

Юкорида таъкидлаб утилганидек корхонада барча энерготаъминот тизимларига уланиш имконияти мавжуд ва курилиш лойихасида уларга тўлиқ уланиш кузда тутилган.

Урта хисобда ичимлик сув сарфи асосан ишчи ходимларни ичимлик таъминоти учун сарфланади. Бошка максадларда ишлатиш учун эса ичимлик сувидан фойдаланилмайди.

Электроэнергия сарфи асосан юк кўтариш мосламаларини харакатлантиришда ва ускуналарини ишлатиш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ва маъмурий бинони ёритиш учун сарфланади. Шу сабабдан корхонанинг кунлик электроэнергия ресурсларига булган талаби 500 кВт ва йиллик сарф микдори 156 000 кВт.ни ташкил этади.

Электр энергия ва бошка ресурслар таъминотининг зарурий микдори йилдан йилга хизмат курсатиш кувватларининг ошиши хисобидан ошиб бориши тахмин килиниб, ошиб бориш курсаткичи 0,05-0,06га тенг (яъни 5-6 %) деб олинди.


Электроэнергия таъминоти учун туловларни амалга ошириш ойма-ой олиб борилади.

## ФАОЛИЯТНИНГ МАРКЕТИНГ ТАХЛИЛИ

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган барча ислохотлар туб негизи аҳолини ижтимоий-иктисодий манфаатларини химоя қилиш, уларни турмуш тарзини яхшилашга қаратилган. Хозирги вақтда ҳар бир соҳа ривожланиши ва сифатли тиббий хизмат курсатиш бозор иқтисодини асосий талабидир. Корхона ўз имкониятларидан ва иқтисодиётнинг талабларидан келиб чиқкан холда хизмат курсатиш орқали ўз фаолиятини ривожлантиришни режалаштирган. Бунинг учун айрим изланишлар ва талабларни ўрганиш орқали амалга оширилиши кўзланган.

Шунинг учун аҳолини логистика хизматга бўлган эҳтиёжини ўрганишда хизматни талабини мавжудлигини аниқлашда бир қатор изланишлар олиб борган:

### ХИЗМАТ КУРСАТИШ БОЗОРДАГИ ВАЗИЯТ ТАХЛИЛИ



Маблагини ўзлаштириш орқали аҳолига логистика хизмати ўўрсатиш ва майший хизмати кўрсатиш (автомобилларга техник хизмат, меҳмонхона, маҳсулотларни сақлаш музлатгичи, кафе) фаолиятини кенгайтириш билан қўйидаги талабларни кондириш режалаштирилмоқда:


